

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Фарғона “Мурувват” НББУИУ  
директори**



**А.Турдибоев**

**Фарғона “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун  
интернат уйига кийим-кечак сотиб олиш  
бўйича энг яхши таклиф**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фарғона -2022**

## **Мундарижа:**

1. Танлов иштирокчиси учун умумий йўриқнома
2. Танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъекларидан танлов учун талаблар
3. Бахолаш мезонлари бўйича маълумот
4. Кийим-кечаклар нархи ва миқдори

### **1 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН УМУМИЙ ЙЎРИҚНОМА**

#### **ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

- 1.1. Танлов предмети: “Мурувват” уйига кийим-кечаклар сотиб олиш бўйича танлов ўтказиш
- 1.2. Танлов қиймати : **16 500 000 сўм**
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Махсулот етказиб бериш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб 10 календар иш кун хисобланади.

#### **ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. Фарғона “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчisi ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили:, Фарғона шаҳар Қашқар қишлоқ кўчаси 9 А уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Фарғона “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
  - танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
  - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
  - танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
  - ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
  - танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
  - Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
  - қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
  - мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

#### 4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник тақлиф, Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

#### 4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта тақлиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз тақлифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукуқига эга.

### **ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

### **БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушуниришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3. Тақлифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон тарзда имзоланади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси тақлифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушуниришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушуниришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

## **2. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИДАН ТАНЛОВ УЧУН ТАЛАБЛАР:**

1. Тадбиркорлик субъектининг (кейинги ўринларда корхона) Низоми ва гувохнома нусхаси.
2. Корхона раҳбарининг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси.
3. Молиявий ахволи барқарорлиги, солик ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;
4. Давлат солик идораларига топширган охирги 1 йиллик хисоботлари нусхалари.
5. Берилган таклифларда корхонанинг тўлик юридик манзили, банк реквизитлари телефонлари рақамлари кўрсатилган бўлиши керак.
6. Давлат солик идораларидан қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

## **3. БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ**

<b>№</b>	<b>Малака талаблари</b>	<b>Бахолаш</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	Банк маълумотномаси (Выписка)	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
2.	Молиявий ахволи баркарорлиги, солик ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
3.	ДСИ хисобот нусхаси охирги ойи	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
4.	Кийим-кечак сифатига кафолат хати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
5.	Таклиф килинаётган кийим-кечак наъмуналари фото сурати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади

## **4. "Мурувват" уйига сотиб олинаётган кийим-кечаклар нархи ва сони**

<b>№</b>	<b>Номи</b>	<b>Ўл.бир</b>	<b>Сони</b>	<b>Нархи</b>	<b>Суммаси</b>
1.	Пижама мужской зимний	дона	150	70 000	10 500 000
2.	Трико мужской зимний	дона	200	30 000	6 000 000
	Жами				<b>16 500 000</b>